

Ширин қалампир ўсимлиги уруғ сифати ва маҳсулдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири.

Андижон қишлоқ хўжалик институти

И. Иминов ассистент

С. Абдурахмонов к/х.ф.н. ассистент

Сабзавот экинлари уруғчилигида экин турининг биологик хусусиятларини ва хўжаликда мавжуд техника воситаларини ҳисобга олган ҳолда экиш схемасини тўғри танлаш, мақбул кўчат қалинлигини белгилаш уруғ ҳосилдорлигини ошириб, турли хил сарф харажатларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ширин қалампир ўсимлигини нг энг мақбул кўчат қалинлигини белгилаш, унинг уруғ етиштириш агротехникасидаги асосий шартлардан биридир. Чунки қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришда, мақбул кўчат қалинлигини белгилаш билан ўсимликни қуёш энергиясидан максимал даражада фойдаланиш, тупрокдаги ҳамда кўшимча берилган озиқ моддалардан, хаво, сув ва иссиқликдан самарали фойдаланиш имконияларини яратади. (Эдельштейн 1963, Гикало 1982, Мамадалиев 1991, Бўриев 1999).

Ширин қалампир уруғчилигида экиш схемаси ва кўчат қалинлигини уруғ маҳсулдорлиги ва экинбоплик сифатига таъсири илмий тарзда тўла ўрганилмаган масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан ушбу масалани илмий тажрибалар асосида ўрганиш учун 2001-2004 йилларда илмий изланишлар олиб борилди. Изланишлар объекти сифатида ширин қалампирнинг Давлат рестирига киритилган ва УзСПКИТИ селекционерлар томонидан яратилган «Дар Тошкента» нави олинди, мазкур навни 1 га майдонга 35,71 минг тупдан (70x40-1) 71,73 минг тупгача (70x20-1) қалинликда жойлаштириш вариантлари Республикада қалампир уруғчилиги учун умумий қабул қилинган (70x30-1) 47,62 минг туплик кўчат қалинлигига таққослаб ўрганилди.

Тажрибалар натижасида шу нарса аниқландики ширин қалампирни уруғ учун турли қалинликда ўстирилганда, унинг ўсув даврини давомийлигига дастлаб сезиларли таъсир кўрсатилмасада бироқ кўчат ўтказилгандан гуллашгача бўлгандан кейинги фазаларни ўтишига ва уларни давомийлигига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатган. Ширин қалампир ўсимлигининг майдон бирлигидаги кўчат қалинлигини 35,71 минг тупдан 41,73 минг туп/га ортиши натижасида ўсимлиكنинг ўсув даври давомийлиги кўчат ўтказилгандан биринчи уруғлик мева етилишигача 79 кундан 77 кунга яъни икки кунга қисқарган, назорат варианты (47,62 минг туп/га) да бу кўрчсаткич 78 кунни ташкил этди.

Биометрик ўлчаш ишлари натижаларининг кўрсатишича майдон бирлигидаги кўчат қалинлигининг ортиши, ўсимлик бош пояси баландлигини ортишига олиб келса озиқ майдонининг ортиши тупдаги ён шохлари ҳамда барг япроқлари сони ва вазнини ортишига олиб келди.

Майдон бирлигидаги кўчат қалинлиги 71,43 минг туп/га бўлганда бош поя баландлиги $46,0 \pm 3,7$ см ни ташкил қилган бўлса кўчатлар сони 35,71 минг туп/га бўлганда $38,4 \pm 1,5$ см ни ташкил этди. Шунингдек қалампир ўсимлигининг бир мунча қалинроқ (71,43 минг туп/га) ўстирилганда сийрак ўстирилганга нисбатан бир тупдаги барг япроқлари сони 20,8 донага, унинг вазни эса 61,5 граммга камроқ бўлишини, ён шохлари сони эса ўрта ҳисобда 11 донага кам бўлишини кўрсатди. Буни, кўчати сийракроқ ўтказилган ўсимликларни бирмунча каттароқ озикланиш майдони билан таъминланиши натижасида ёруғлик, ҳарорат ва тупроқдаги озик моддалардан самарали фойдаланиши учун қулай имконият яратилганлигидан деб тушуниш мумкин. Кўчат қалинлигини 71,43 минг туп/гадан 31,71 минг туп/гача сийракланганда ён шохларини ортиши ҳисобиға майдон бирлигидаги ўсимликлар сонини сезиларли микдорда камайишиға қарамай уруғ меваларни 14,88 т/га дан 16,87 т/га гача, улардан уруғ чиқишини эса 9,23-16,9 % га ортишини таъминлади.

Маълумки ўсимлик ер устки қисми қанчалик яхши ва кучли ўсиб ривожланса бир туп ўсимликдаги уруғлик мевалар ва улардаги уруғлар ҳам шунчалик мўл ва юқори сифатли бўлади.

Майдон бирлигидан олинадиган уруғлик мева ҳосилдорлиги, у ердаги мавжуд ўсимлик сонига боғлиқ бўлади албатта. Тажрибада энг кўп (16,87 т/га) уруғлик мева ҳосили 71,43 минг туп/га кўчат қалинлигидаги вариантда бўлиб назоратга нисбатан 6,5 % кўпроқ, энг кам (14,88 т/га) ҳосил кўчат қалинлиги 35,71 минг туп/га бўлган вариантда, назоратга нисбатан 6,06 % кўп ҳосил олинди. (1-жадвал).

Ширин қалампирни турли хил кўчат қалинлигида уруғлик мева ва уруғи ҳосилдорлиги.

1-жадвал

Кўчат қалинлиги	Ўсимликни озикланиш майдони	Биологик етилган мева. т/га	Уруғлик мева ҳосили т/га	Уруғ ҳосили кг/га	Ўртача умумий ҳосилдорлик
71,73	0,14	1,16	16,87	283,7	18,27
47,62	0,21	1,56	14,88	216,6	16,80
35,71	0,28	1,04	15,24	310,5	16,04

Ширин қалампирнинг «Дар Тошкента» навини турли қалинликда ўстирилганда экинбоплик сифати стандарт талаблари даражасидаги уруғ ҳосили энг сийрак (35,71 минг туп/га) экилган вариантда (253,2 кг/га) бўлди. Бу вариантда назоратга нисбатан 16,9 % га кўпроқ, энг қалин экилган (71,43 минг туп/га) вариантда назоратга нисбатан 9,23 % га ортиқ уруғ олинди.

Уруғнинг 1000 донасини вазни ўрганилганда энг сийрак ўтказилган ўсимликлардан олинган уруғлик меваларни уруғи энг юқори бўлиб бошқа вариантларга нисбатан 0,4-1,9 граммага ортиқроқ бўлиши аниқланди.

(2-жавал). Шунингдек уруғни униб чиқиш энергияси ва уруғларнинг унувчанлик даражаси нисбатан сийрақроқ ўстирилганда юқори бўлди.

Ширин қалампирни турли хил кўчат қалинлигида уруғнинг экинбоплик сифатлари.

2-жалвал

Кўчат ўтқазиш схемалари	Ўсимликни озикланиш майдони	Кўчат қалинлиги минг туп/га	1000 дона уруғ вазни, г	Униб чиқиш энергияси, %	Лаборатория унувчанлиги, %
70x20-1	0,14	71,73	4,1	81	90,2
70x30-1	0,21	47,62	5,5	82	92,6
70x40-1	0,28	35,71	5,39	84	97,8

Хулоса.

1. Ширин қалампир ўсимлигининг уруғ учун турли қалинликда ўстирилганда 35,71 минг туп/га қалинликдаги вариантда назорат (47,62 минг туп/га) қалинликдагига нисбатан кўпроқ ён шохлар шаклланиши натижасида кўплаб махсулдор орган ва уруғлик мевалар шаклланишини таъминлайди.

2. Энг кўп уруғлик мева кўчат қалинлиги 71,43 минг туп/га бўлганда шаклланди.

3. Уруғларнинг экинбоплик сифати кўчат қалинлиги сийрақроқ вариантда юқори бўлиши аниқланди.